

УДК:338.2: 004

Хашимов Пазлиддин Зукурович

иқтисодиёт фанлари номзоди, проф. в.б.,

Ўзбекистон Миллий Университети,

hoshimov51@mail.ru

Фахриддинова Заринабону Фахриддин қизи

иқтисодиёт йўналиши 2-курс талабаси,

Ўзбекистон Миллий Университети

faxriddinovazarina3@gmail.com

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Аннотация:

Кириш. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологияларнинг ривожланиши шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига рақамли иқтисодиётни ривожлантирмасдан эришиб бўлмайди. Ривожланган давлатларда рақамли иқтисодиётни жорий этишга аллақачон киришилган. Ҳозирги вақтда жадаллик билан кечаётган рақамлашув жараёни “янги иқтисодиёт”ни вужудга келтирди, кун сайин чуқур томир отиб бораётган бу бозор сегменти ишлаб чиқарувчиларга бизнесда самарали маркетинг компанияларини ташкил этиш, минимал харажат қилиб, максимал фойда олиш, товар ва хизматларни муваффақиятли сотишнинг оптимал усулларини тақдим этади, истеъмолчи, харидор ва mijozlarга сифатли хизмат, қулайлик яратилади ва шу билан бир қаторда иқтисодиётнинг кенг қамровли ривожланишига олиб келади. Шулардан келиб чиққан ҳолда мақолада рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг мамлакатни ривожлантиришдаги роли ва аҳамияти, бу йўналишда бугунги кунда амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинган.

Тадқиқот методлари. Мақолада рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг аҳамияти, афзалликлари ва камчиликлари, ривожланиш тенденциялари ўрганилиб, таҳлил қилинди. Бунда расмий статистик маълумотлардан фойдаланилди. Тадқиқотда илмий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, синтез каби усуллардан фойдаланилди.

Натижалар ва мунозара. Рақамли иқтисодиёт соҳасини ривожлантиришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган ҳамда иқтисодиёти энг ривожланган давлатларнинг тажрибалари ўрганилди ва улар мисолида Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги ҳолати таҳлил қилинди. Улардаги фаол инвестиция сиёсати, иқтисодиёт соҳаларида рақамли ҳамда инновацион технологияларнинг қўлланилиши, малакали кадрларни тайёрлашдаги тажрибаларининг мамлакатимиз иқтисодиётига мос келувчи жиҳатларини қўллаш орқали яхши натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Хулоса. Бугунги кундаги замон талабларини инобатга олиб, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларини рақамлаштириш, онлайн хизматлар сифатини яхшилаш, бу йўналишдаги хизматлар турларини кўпайтириш, аҳолининг рақамли саводхонлик даражасини янада ошириш мақсадга мувофиқ.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, электрон тижорат, онлайн тўлов, инфратузилма, киберхавфсизлик, автоматлаштирилган реестрлар, блокчейн технологиялар, “Рақамли идора”, рақамли ўқитиш маркази, ривожланиш тенденциялари.

Кириш

Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатлари аҳолиси иқтисодиёт тармоқларининг ўзгариши, бу жараённинг рақамлашуви, барча соҳаларга сунъий интеллектнинг жорий этилиши билан боғлиқ муҳим даврни бошдан кечирмоқдалар. 2022 йилга келиб дунё ЯИМнинг қарийб чорак қисми рақамли секторга тўғри келиши прогноз қилинаётган бир шароитда янги иқтисодиётни ривожлантириш зарурати янада кучаяди. Бу вақтингиз тигиз пайтида Интернет орқали тушликка буюртма бериш, мобил илова орқали такси чақириш, узоқдаги яқинингизга пул жўнатишдан кўра кенгрок имкониятлар бўлиб, трансчегаравий бизнес ҳамкорлик, электрон тижорий майдон, масофавий офис кабиларни ҳам қамраб олади.

Рақамли иқтисодиёт рақамли технологияларга асосланган, электрон бизнес, электрон тижорат билан боғланган, рақамли товар ва хизматлар ишлаб чиқараётган ва тақдим этаётган иқтисодий фаолият бўлиб, бунда иқтисодий хизмат ва товарлар учун ҳисоб-китоблар электрон пул орқали амалга оширилади. Рақамли иқтисодиёт концепцияси атомдан битга, яъни кимёвий энг кичик заррадан электрон бирликка ўтишга асосланади. “Рақамли иқтисодиёт алоҳида фаолият турини эмас, балки ишбилармонлик, саноат объектлари, хизматларда ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади”.[6]

Материаллар

“Рақамли иқтисодиёт” атамаси илмий амалиётга испаниялик ва америкалик социолог, ахборотлашган жамиятнинг етакчи тадқиқотчиси Мануел Кастелс томонидан киритилган. Бу борада у ўзининг “Ахборот даври: иқтисод, жамият ва маданият” номли уч жилдли монографиясини чоп этган. Ҳозирги вақтга келиб, рақамли иқтисодиёт назарияси тўлалигича ҳали шаклланмаган ва кўпчилик иқтисодчилар томонидан кенг миқёсда ўрганилмоқда. Илмий адабиётларда ҳозирги замон “Янги рақамли иқтисодиёти” турли хил атамалар билан номланади. Масалан, “Постиндустриал иқтисодиёт” (Д.Белл), “Ахборотлашган иқтисодиёт” (О.Тоффлер), “Мегаиқтисодиёт” (В.Кувалдин), “Ахборот ва алоқага асосланган иқтисодиёт” (И.Ниинилуто), “Техноиқтисодиёт ёки рақамли иқтисодиёт” (Б.Гейтс), “Билимларга асосланган иқтисодиёт” (Д.Тапскотт).[11]

Марк Порат бирламчи ва иккиламчи иқтисодиёт секторлари орасига фарқ киритган америкалик олимлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бирламчи сектор аниқ иқтисодий баҳоланиши мумкин, чунки у бевосита бозор қийматини яратади. Иккиламчи сектор иқтисодиёт учун муҳим ҳисобланса-да, аммо уни иқтисодий баҳолашни амалга ошириш анча мушкул амал бўлиб ҳисобланади, чунки у компаниялар ва давлат корхоналари ичидаги ахборот фаолиятини ўз ичига олади.[12]

Глобаллашув шароитида рақамли иқтисодиёт тенденцияларининг ўзгаришини россиялик олим Н.С.Ревенко ҳам ўрганган, рақамли иқтисодиётни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари билан эса В.М.Бондаренко шуғулланган.[13]

Глобаллашув шароитида мамлакатлар рақобатбардошлигини аниқлашда иқтисодиётнинг рақамлаштирилганлиги даражаси ва унинг иқтисодиёт тараққиёти билан биғлиқлик даражасини баҳолаш борасида ечилмаган илмий масалалар мавжуд. Шунинг билан, саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича инновацион стратегияларни шакллантириш ва амалга ошириш, уларни ахборотлаш асосида

ишлаб чиқариш фаолиятини ички ва ташқи бозор талабларига мувофиқлаштириш масалалари тадқиқ этилиши лозим.

Методлар. Тадқиқот жараёнида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг аҳамияти, афзалликлари ва камчиликлари, ривожланиш тенденциялари ўрганилиб, таҳлил қилинди. Бундан ташқари тадқиқотда илмий абстракция, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, синтез каби усуллар қўлланилди.

Натижалар

Даниель Менси бугунги кунда рақамли иқтисодиёт энг кўп ривожланган мамлакатлар бу АҚШ ва Хитой эканини таъкидлаб, дунё бўйича блокчейн технологияларга доир патентларнинг 75 фоизи айнан шу давлатларга тўғри келишини айтди. Ўз навбатида интернет маҳсулотларининг 50 фоизини шу давлатлар аҳолиси истеъмол қилади. [17]

Рақамли иқтисодиёт йирик саноат объектлари иш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ўстириш, фаолият шаффофлигини таъминлаш, маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради. Нуфузли халқаро ташкилотлар олиб борган таҳлиллар натижаларига кўра, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга оширади, шунинг баробарида, хуфёна иқтисодиётга барҳам беради.[14] Давлатнинг ўз фуқаролари учун электрон хизматларни кўрсатиши ва электрон маҳсулотларни таклиф этиши — бу рақамли иқтисодиётнинг асосий қисми бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу соҳани кенг ривожлантириш коррупция илллатига барҳам беради.

Рақамли маълумотлар қимматбаҳо иқтисодий ресурс ҳисобланса-да, улар рақамли тафаккурга айланганидагина фойда келтиради. Рақамли иқтисодиётнинг кириб келиши билан рақамли платформаларни яратиш ва тез суръатларда ўсиб бораётган рақамли маълумотларни монетизация қилиш муаммолари вужудга келмоқда. Бунда янги қиймат ярата олиш йўллари, мазкур жараёнлардаги тўсиқларни бартараф этиш воситаларини аниқлаш муҳимдир. Бу қийматни яратиш ва тарқатиш салоҳиятини, қийматни янгилаш, бошқариш ҳамда қийматни қўлга киритиш шакллари тушуниш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Интернет тармоғига уланишнинг умумий ўтказувчанлик қобилияти 1 200 Гбит/с.ни ташкил этиб, коммутация маркази орқали 750 Гбит/с тезликда Интернет тармоғига чиқиш имконияти яратилди ва тармоқнинг юкланиш даражаси 76,6 фоизни ташкил этмоқда. 2020 йилнинг 1 январидан оператор ва провайдерларга Интернет хизматлари учун тариф ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34 фоизга арзонлаштирилиб, 1 Мбит/с учун 56,0 минг сўмни ташкил этди. Интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 22 млн.дан ортди, шундан мобил Интернет фойдаланувчилари сони 19 млн.ни ташкил этди. Республика бўйича 237 та объектда магистрал телекоммуникация тармоқлари кенгайтирилиб, телекоммуникация ускуналари модернизация қилиниб, магистрал телекоммуникация тармоқлари ўтказувчанлик қобилияти вилоятлараро даражада 200 Гбит/с.га, туманлараро даражада эса 40 Гбит/с.га етказилди. Ижобий натижалар бор, бироқ бу етарли дегани эмас.[16]

Блокчейн технологиялари томонларнинг ҳеч қандай воситачисиз битимларни ҳавфсиз, ишончли амалга оширишга имкон берувчи технологиядир. Уни кўпчилик криптовалюта технологияси сифатида билса-да, аслида блокчейндан рақамли

идентификация, эгаллик ва мулк хуқуқлар ҳимояси, тўлов тизими сифатида фойдаланиш мумкин. Ethereum каби блокчейн базасида ишлайдиган очиқ манбали платформалар анъанавий ҳуқуқий жараёнларсиз ҳар қандай активлар бўйича битимлар тузиш, банк хизматларини кўрсатиш имконини беради. Ҳозирда жаҳоннинг турли мамлакатларида молиявий технологиялар, ер ресурсларини бошқариш, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида блокчейн тизимидан фойдаланилади. Блокчейн тизими ҳар қандай соҳанинг шаффофлик даражасини оширади, коррупция ҳолатларининг камайишига хизмат қилади. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ва блокчейн технологияларининг имкониятлари ниҳоятда истиқболли ҳисобланади. Мамлакатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 сентябрдаги Қарори билан крипто-актив ва блокчейн технологиялар соҳасидаги компанияларнинг эркин фаолиятига старт берилди. Бундан ташқари, ушбу технологиялар давлат секторига давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жорий этилмоқда. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича энг истиқболли ва стратегик муҳим лойиҳаларни, шунингдек блокчейн технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасида чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган “Рақамли ишонч” жамғармаси ташкил этилди.[15]

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан контакtsiz алоқа шакллари янада ривожлантириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг янги версияси, Бош вазирнинг тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш виртуал қабулхонаси “business.gov.uz” портали ишга туширилгани рақамли иқтисодиёт ривожини йўлдаги муҳим қадамлардир. Click, Payme, M-bank, Uray, Oson ва бошқа онлайн тўловларга имкон берувчи тўлов тизимлари мавжуд бўлишига қарамай мобил тўловлар, интернет, коммунал тўловлар учун онлайн тўловларни амалга ошириш кўрсаткичи юқори эмас. 2017 йилда 34 фоиз ҳисоб эгалари рақамли тўловни амалга оширган. Солиштириш учун бу кўрсаткич Буюк Британияда 96 фоизга тенг. Эътиборлиси, терминал орқали тўловлар сон ошиб бормоқда. Масалан, 2018 йилда терминал орқали тўловлар 53 триллион сўмни ташкил этган. [16]

Ўзбекистонда барча тизимлар рақамлаштирилмоқда. Айниқса, коронавирус туфайли жорий этилган карантин режимида онлайн товар ва хизматларга бўлган талаб янада ортиди, барча соҳаларда рақамли функцияларнинг сафи кенгайди. Бугун уйдан чиқмасдан тўловларни амалга ошириш, масофавий таълим олиш, дунёнинг йирик кутубхоналаридан фойдаланиш ва ҳатто ишлаш мумкин. Рақамли хизматлар анъанавий турга қараганда қоғозбозлик, расмийчиликнинг йўқлиги, вақтни тежаш каби қатор афзалликларга эга. Масалан, давлат хизматларини рақамли кўринишда олсангиз, сизга белгиланган тўловнинг 10 фоизи миқдорида чегирма тақдим этилади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”. [23]

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва давлат

бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида:

- **2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 бараварга кўпайтириш;**
 - **2022 йилга қадар электрон давлат хизматлари улушини 60 фоизгача етказиш;**
 - **2022 йилга қадар республиканинг барча ҳудудларида рақамли билимларга ўқитиш марказларини очиш ва бошқалар кўзда тутилган.**
- [19]

Бундан ташқари, 2020–2022 йилларда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш доирасида аҳоли пунктларини Интернет тармоғига улаш даражаси, шу жумладан кенг полосали уланиш портларини 2,5 млнгача кўпайтириш, 20 минг километр оптик-толали алоқа линияларини куриш ва мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш орқали 78%дан 95%га етказиш; ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиш; 587 минг нафар кишини, шу жумладан «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитишни ташкиллаштириш; иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш; ҳудудларда ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун тегишли олий таълим муассасалари бириктирилади ҳамда уларнинг 12 минг нафар ходимини ахборот технологиялари соҳасида ўқитиш режалаштирилган. Дастлаб 29 та намунавий туманларда (шаҳарларда) 2020 йилда ва 2021 йил I чораги якунига қадар рақамли трансформация қилиш амалга оширилди, 13 та намунавий туманларда IT-инфратузилмасини яратишни, компьютер ускуналари билан жиҳозлашни назарда тутган ҳолда мактабгача ва умумтаълим мактаблари ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларини рақамлаштиришни якунлаш бўйича чоралар кўриш, ахборот тизимларини жорий этиш ва масъул ходимларни ўқитиш ташкил этилди. Шу жумладан, 2020 йилнинг ноябридан бошлаб, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резиденти мақомини ахборот технологияларига ўқитиш, аппарат-дастурий воситаларни ишлаб чиқиш ва реализация қилиш, робото-техника, Интернет тармоғи орқали ахборот хизматларини экспорт қилиш, шунингдек, маълумотларни сақлаш ва ҳисоблаб қайта ишлаш соҳасида хизмат кўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган юридик шахсларни ишга олиш имконияти яратилди. 2021 йилдан бошлаб фуқаролар томонидан тизим бошқаруви, маълумотлар базаси ва «булутли» платформани бошқариш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа талаб юқори бўлган йўналишларда халқаро IT-сертификатларни олиш харажатларининг 50%гача бўлган қисmini қоплаш тизими жорий этилди ва ҳар бир туман ва шаҳарда мавжуд инфратузилма объектлари негизида кенг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар ва аёллар учун рақамли технологиялар ўқув марказлари очилди. [20]

Глобаллашув шароитида мамлакатлар рақобатбардошлигини аниқлашда иқтисодиётнинг рақамлаштирилганлиги даражаси муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётнинг қайси бир тармоғи ёки соҳасига назар ташламайлик, барчасида рақамли технологияларнинг ўрнини кўрамиз. Мамлакат банк тизимидаги хизматлардан тортиб, давлат хизматлари даражасида ҳам инновацион рақамли технологияларнинг улуши ортиб бормоқда. Ҳозирги даврда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришни инновацион технологиялар асосида таъминлаш долзарб масалага айланиб бормоқда. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича инновацион стратегияларни шакллантириш ва амалга ошириш уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ички ва ташқи бозор талабларига мувофиқлаштиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Рақамли иқтисодиётга бўлган қизиқиш жамият ва иқтисодиётда рўй бераётган жиддий ўзгаришлар туфайли сезиларли даражада ўсди. Замонавий технологиялар ва платформалар мижозлар, ҳамкорлар ва давлат ташкилотлари билан шахсий мулоқотни минималлаштириш ҳисобига корхоналар ва жисмоний шахсларга харажатларни қисқартиришга ёрдам берди, шунингдек, ўзаро мулоқотни янада тез ва осон йўлга қўйишга имконият яратди. Натижада тармоқ ресурсларига асосланган, рақамли ёки электрон иқтисодиёт пайдо бўлди.

Электрон ҳукуматга доир элементларни татбиқ этиш ва рақамли иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистоннинг яқин истиқболдаги тараққиёт режасидан мустаҳкам ўрин олди. Бу, биринчи навбатда, электрон ҳужжат алмашиш улушини янада ошириш ва давлат хизматларининг муайян қисмини Давлат хизматлари марказлари орқали босқичма-босқич электрон шаклга ўтказиш вазифаларига тегишлидир. Телекоммуникация инфратузилмаси бу жараёнда муҳим вазифани бажаради. Рақамли технологиялар иқтисодиётга боғлиқ 50 фоиздан ортиқ соҳаларни кескин ўзгартириб юборади. Ушбу қараш ахборот технологиялари ва рақамли платформалар бизнес моделларини кескин ўзгартириб, уларнинг самарадорлиги воситачиларни бартараф этиши ва жараёнларни оптималлаштиришига асосланган. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига биноан, тезкор интернет фойдаланувчиларининг 10 фоизга кўпайиши йиллик ЯИМ кўламини 0,4 фоиздан 1,4 фоизгача ошириши мумкин экан. Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ЯИМдаги улушининг ҳар йили тахминан 20 фоизга ўсишига (ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 7 фоиз атрофида) унинг аҳамиятини белгилайдиган кўрсаткич сифатида қаралади. 2010 йилда Boston Consulting Group компанияси рақамлаштириш кўламини 20та мамлакатдан иборат гуруҳ учун 2,3 триллион долларга (4,1 фоиз ЯИМ) баҳолаган. Агар бу тенденция сақланиб қолса, 10-15 йилдан кейин бундай иқтисодиётнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 30-40 фоизга яқинлашади. Ривожланаётган иқтисодиётларда ИТ соҳасида тахминан 1 фоиз аҳоли меҳнат қилади, ушбу сектор иш ўринларини бошқа соҳалардаги иш ўринларига солиштирганда у нисбатан қамроқ ЯИМ яратади. Бироқ ИТ йўналишининг юксалиши янги технологияларни ўзлаштираётган бошқа соҳаларда иш ўринларининг яратилишига туртки беради (ИТ соҳасида яратилган ҳар 1 та янги иш ўрни учун турдош соҳаларда 4,9 та иш ўрни тўғри келади.[21]

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг яна бир омили — киберхавфсизликни таъминлашдир. Карантин шароитида глобал тармоқда коронавирусдан сақланиш бўйича кўрсатмалар ёрлиғи остида дастурий тизимларни ишдан чиқарувчи вируслар тарқатиш ҳолатлари учради. Хорижда дори-дармонни онлайн сотиш ва етказиб беришни ваъда қилиб, олдиндан пулларни ҳисоб рақамига ўтказишни сўраб, содда одамларни алдаб кетаётган молиявий фирибгарлар сохта онлайн-дўконлар, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлардаги аккаунтлар ва электрон

почта манзилларидан фойдаланишди. Бу ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш заруратини яна бир бор тасдиқлайди.

Рақамлашув ва киберхавфсизлик тушунчалари доимо ёнма-ён келади. Чунки барча тизим ва жараёнларни рақамлаштириш билан бирга, уларнинг техник жиҳатдан мукамал ва беҳато ишлашини, хавфсизлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қанчалик эътибор қаратилаётган бўлса, киберхавфсизликни таъминлаш ҳам шунча долзарблик касб этмоқда. Ўзбекистон киберхавфсизлик глобал индексида ўз позициясини мустаҳкамлаб бормоқда. 2017 йилда мамлакатимиз бу рейтингда 93-ўринни эгаллаган бўлса, 2018 йилда 52-ўринга кўтарилди. [16]

Республикаимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”. [22] Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча харажатларни камайтиради. Қолаверса, бу коррупцияга қарши самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор. Давлат бошқаруви ва ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда одамлар турмушини яхшилаш мумкин.

Рақамли иқтисодиёт ва инвестицион фаолият ўртасидаги муносабатлар муҳим аҳамият касб этади. Республикаимизда инвестиция муҳитини ривожлантиришнинг асосий муаммоси беқарорлик бўлиб, у бир қатор таъсир этувчи омиллар туфайли шаклланади:

- иқтисодиётнинг хом-ашё ресурслари, энергия нархи ўзгарганда иқтисодий вазиятнинг энг кучли ўзгаришига сабаб бўлади;
- кўпинча бошқа давлатларга боғлиқ бўлмаган ҳолда олиб бориладиган ва манфаатлар тўқнашувларига сабаб бўладиган мустақил ташқи сиёсат.

Рақамли иқтисодиётнинг энг фаол драйвери – бу давлатдир. У рақамли иқтисодиётнинг асосий буюртмачиси ва истеъмолчисидир. Масалан, Хитой бу мақсадлар учун 9 миллиард доллар атрофида маблағ сарфлаган. Бозор капитализацияси 210 миллиард доллардан зиёд бўлган Alibaba интернет ресурси ушбу сармояларнинг тўғри йўналтирилганини исботлади. [22]

Рақамлаштиришдан максимал фойда олишни истаган давлат, зарурий юқори технологик маҳсулотларнинг бозорини яратиши ва уни қўллаб-қувватлаши лозим. Шу билан бирга, параллел тарзда давлат бошқаруви, муҳим соҳалар ва корхоналар учун хусусий иловаларни ривожлантирган ҳолда, электрон иқтисодиётнинг асосий платформаларини назорат қилувчи воситаларни ўз измида сақлаб қолиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Хусусан, Япония технологияларни харид қилган бўлса-да, ушбу йўналишда ўзининг ишлаб чиқарувчи тармоқларини яратолмагани ва техник ишланмалар даражасини муттасил юқори ҳолатда тутолмагани туфайли, рақамли иқтисодиётдаги етакчи мавқеини қўлдан бой берди. Жанубий Корея эса электрон ҳукумат ва электрон воситачиликка (электрон тижорат фаолияти ва давлат тендер харидларини ўтказиш учун) миллий бюджетнинг 1 фоизига тенг миқдорда сармоя киритиб, ҳар йили 10-15 миллиард доллар ҳосил қилмоқда ва харажатларни 30-40 барабар қоплайдиган даромад олмақда. [22] Жумладан, давлат ва хусусий секторда call-марказларни ташкил қилиш, мобил иловаларни яратиш ва давлатга тегишли

интернет-платформаларни реинжиниринг қилиш орқали мана шундай натижага эришилди.

Ўнлаб йиллар давом этадиган ўзгаришлар эпидемия таъсири туфайли бир йил ичида содир бўлди. Масалан, Швейцария Марказий банки «блокчейн» технологиясига эга электрон кронни бозорга олиб чиқди. Багама Марказий банки айти шу дастурни 2020 йилнинг октябр ойида жорий қилган эди. Шунингдек, дунёдаги энг етакчи иқтисодиётга эга давлатлардан бири бўлган Хитой Марказий банки молия бозорларига рақамли валюта чиқаришга ҳозирлик кўрмоқда. Мазкур жараён 2035 йилгача якунланиши кутилмоқда.

Коронавирус соғлиқни сақлаш соҳасида ва иқтисодиётда мисли кўрилмаган даражада ва миқёсда инқирозни келтириб чиқарди, карантинга оид таъқиқлар ва чегараларнинг ёпилиши иқтисодий фаолиятни тўхтатиб қўйди ва дунё бўйлаб миллионлаб ишчилар ишсиз қолди. 2020 йилда 34,3 миллион киши ўта қашшоқлик чегарасига тушиб қолиши мумкинлиги прогноз қилинган эди. Африка мамлакатларида ушбу кўрсаткич 56 фоизга ўсиши таъкидланди. Пандемия оқибатида, 2030 йилга қадар ўта қашшоқликда яшайдиган одамлар қаторига яна 130 миллион киши қўшилиши эҳтимоли ҳам кутилмоқда. Маълум бўлишича, дунё мамлакатлари ҳукуматлари мазкур иқтисодий инқирозни минималлаштириш учун дунё ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизига тенг катта молиявий чораларни амалга оширади[4]. Айти пайтда «жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви»нинг моҳиятини англаб етиш, унинг алоҳида мамлакатлар иқтисодий тараққиётига кўрсатадиган таъсирини аниқлаш ва унинг ижобий ҳамда салбий жиҳатларига миллий хўжаликлар «иммунитети»ни таъминлаш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Хулоса

Ҳозир бутун дунё бўйлаб янги сервислар ва бизнес моделларни яратиш учун IT воситаларидан фойдаланадиган эски ва янги компаниялар аксарият соҳаларда етакчи бўлган компанияларга кучли рақобат туғдирмоқда. Прогнозларга кўра, яқин йилларда макроиқтисодиёт «lean production», аддиктив, нано ва биотехнология мезонларига таянадиган ишлаб чиқарувчиларга қаттиқ боғлиқ бўлиши кутилмоқда. Шу муносабат билан оқилона бошқарув учун зарур ҳисобланган ахборот кўлами ҳам ортиб боради, ишлаб чиқариш ва фуқаролар мулоқоти, бизнес ва давлат органларини бошқариш тузилмаси эса жиддий ўзгаришларни бошдан кечиради. Қуйидагилар бунда ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт йўлига босқичма-босқич чиқиш учун асосий шарт ва омиллар сифатида кўрсатилмоқда:

- ахборотлаштириш ва давлат бошқаруви органлари ҳамда муниципал хизматларни интеграциялаш ҳисобига электрон ҳукумат ва рақамли шаҳар концепцияларини татбиқ этиш;
- янги технологик авлоддаги маҳсулотларни ялпи ишлаб чиқариш (пилотсиз автомобиллар ва бошқалар сингари);
- ўзига хос безак ва қурилиш материаллари ёрдамида «ақлли» ва экологик уйларни барпо этишга оид ғояларни амалга ошириш;
- аутсорсинг, ўзини банд этиш ва бошқалар орқали бандликнинг муқобил шакллари кенг тарғиб қилиш;
- муайян вазифаларни бажариш учун ишчи-фрилансерларни излашга хизмат қиладиган профессионал тармоқларни яратиш.

Юқоридагиларнинг барчаси бизнесга ишлаб чиқариш ва бошқарувда товар ва электрон хизматлар интеграцияланадиган замонавий платформалар ёрдамида

харажатларни қисқартиришга имконият беради. Биринчи галда бу масала хизматлар буюртмаси интеграцияси, ресурслардан биргаликда фойдаланиш, контрагентларни танлаш, электрон савдони юритиш, тўловлар ва бошқаларга тегишлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лapidус Л.В. Цифровая экономика. - М.: Инфра-М, 2019.
2. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. - Т.: ТМИ, "Иқтисод-Молия", 2019.
3. БМТ Минг йиллик маърузаси. - Тошкент, 2003.
4. Рақамли иқтисодиётни шакллантиришдаги замонавий трендлар: тажриба, муаммо ва истиқболлар. // Илмий-амалий анжуман маъруза тезислари тўплами. 2020 йил 14 октябрь. – Тошкент. 2020.
5. БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича бошқармаси тадқиқотлари [//https://research.un.org/en/docs/reports](https://research.un.org/en/docs/reports)
6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Олимжон Умаров фикрлари. <https://yuz.uz/news/raqamli-iqtisodiyot-taraqqiyot-sari-qisqa-yol>
7. <https://kun.uz/news/2020/03/10/shavkat-mirziyoyev-raqamli-toshkent-loyihasi-boyicha-korsatmalar-berdi>
8. <https://kun.uz/news/2020/07/06/raqamli-iqtisodiyot-rivojlanish-trendlari-va-xususiyatlari>
9. <https://kun.uz/news/2021/01/10/raqamli-valutalar-qanday-xavflar-bor>
10. https://royallib.com/book/bell_daniel/gryadushchee_postindustrialnoe_obshchestvo___vvedenie.html
11. https://royallib.com/book/toffler_elvin/revolyutsionnoe_bogatstvo.html
12. <https://mehnat.uz/uz/news/barqaror-rivozhlanish-maqsadlari-va-barqaror-izhtimoiy-rivozhlanish-uzaro-hamkorlikning-yangi-tazhribasi>
13. <http://www.fa.ru/org/science/iimeo/Documents/staff/CV%20Revenko.pdf>;
<http://inecon.org/sotrudniki/vizitki-sotrudnikov/bondarenko-valentina-mixajlovna-vedushhiy-nauchnyj-sotrudnik-czentra-institutov-soczialno-ekonomicheskogo-razvitiya-instituta-ekonomiki-ran-ken.html>
14. "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори Элдор Туляков. <https://yuz.uz/news/raqamli-iqtisodiyot-taraqqiyot-sari-qisqa-yol>
15. <https://napm.uz/oz/activities/tsifrovaya-ekonomika-i-blokcheyn/>
16. <https://yuz.uz/news/raqamli-iqtisodiyot-taraqqiyot-sari-qisqa-yol>
17. <https://mininnovation.uz/uz/news/raqamli-iqtisodiyot-muammolar-va-imkoniyatlar>
18. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/raqamli_uzbekiston-2030_strategiyasi_qabul_qilindi
19. <https://uza.uz/uz/posts/ra-amli-i-tisodiyet-va-elektron-ukumatni-keng-zhoriy-etish-ch-28-04-2020>
20. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/raqamli_uzbekiston-2030_strategiyasi_qabul_qilindi
21. <https://kun.uz/news/2020/07/06/raqamli-iqtisodiyot-rivojlanish-trendlari-va-xususiyatlari>
22. <https://www.xabar.uz/tehnologiya/ozbekistonda-innovatsiyalarni-joriy-etish>
23. http://toshvil.uz/uz/2020_yil_ilm_marifat_va_ramli_italieni_of_rivojlantirish_yili_deb_eylon_ilindi